

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги**

**60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент 2021й.**

**1**

**ЎЗР ОЎМТВ**  
Буйруқ № 358  
18 "август 2021

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва професионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 14 август даги 3-сонли йигилишида маъкулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 август даги 356-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услubий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## **МУНДАРИЖА**

Т/р	бет
1. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1 <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим Малака талабининг кўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .....	4
1.2.1. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим йўналиши бакалаврнинг 4 касбий фаолиятигининг соҳалари.....	4
1.2.2. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим йўналиши бакалаврнинг 4 касбий фаолиятларининг обьектлари.....	4
1.2.3. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим йўналиши бакалаврнинг 5 касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим йўналиши бакалаврнинг 5 касбий вазифалари.....	5
2. <i>60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)</i> таълим йўналиши бўйича 6 бакалаврларнинг касбий концепциясиларига кўйиладиган талаблар	
2.1. Умумий концепциясилар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар .....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув вараги.....	9

**1. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги шаклида амалга оширилади. Ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим Малака талабининг қўлланиши**

Олий таълимнинг ушбу малака талаби **60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

– тасвирий санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, миллий ва жаҳон тасвирий ва амалий санъати, ҳамда бошқа санъат турларининг ривожланишини, тажрибасини, ҳозирги жамиятдаги мавқеини, педагогик фаолиятнинг усулларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буортмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўкув режсаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олинини назарда тутилади.*

**1.2.2. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежларидағи таълим тарбия жараёни.
- портрет, манзара, натюрморт, майший, батал ва тарихий жанрларидаги асарлар яратиш жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, қадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.*

#### **1.2.3. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

**таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- илмий-ижодий фаолияти;
- педагогик фаолият (академик лицейлар, ихтисослаштирилган рассомлик мактаблари болалар мусиқа ва санъат мактабларида);
- тадбиркорлик;

#### **1.2.4. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг касбий вазифалари:**

**60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим.**

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариши ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот, корхоналар, компаниялар (фирмалар)даги рассом ва дизайн соҳасига оид бўлимларни бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар брендини шакллантириш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбик этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш;

**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўгрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- касбга оид бадиий ва эстетик тенденцияларни кузатиш ва прогноз қилиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- касбга оид йўналишларни, тасвирий санъат обьекталарни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда катнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

**2. 60210500 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

-дунёкараш билан боғлик тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

-Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллый истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

-табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

-инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

-ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

-тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва қўнималарига эга бўлиши лозим.

-таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

-тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

-кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

## **2.2 Касбий компетенциялар:**

Портрет; манзара; натюрморт; миший; тарихий; батал жанрларида; республика ва хорижда чоп этилган Тасвирий санъатга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; тасвирий санъат асари бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш **қобилиятларига эга бўлиши.**

- ижодий асар лойиҳалари мавзууси бўйича моделлар, методлар, дастурий ечимлар, воситаларни қўллай билиш;
- намунавий методикалар ва бошкалар бўйича экспериментал изланишларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бера олиш;
- ўтказилаётган ижодий изланишлар мавзууси бўйича образларни ишлаб чиқиш,
- композиция элементларини қайта ишлаб чиқиш ва уларни қўллай билиш;
- мавзуули композицияни яратища фикрлаш методларини қўллай билиш;
- республика ва ҳалқаро миқёсида ўтказиладиган кўргазма ва танловларда фаол иштирок эта олиш;
- мустақиллик йилларида мамлакатимизда содир этилаётган ижобий ўзгаришларни дастгоҳли рангтасвир асарларда ва хар хил жанрларда акс эттириб, ижодий кўргазмаларда иштирок эта олиш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ эта олиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқара олиш;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича умумкасбий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkаза олиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил эта олиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ эта олиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

## **Библиографик мълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йуналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий таълим дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, тасвирий санъат, жанрлар, композиция, устахона ускуналари ва жихозлари, дастгоҳлар, мойбӯёқ, қилчўп(кист), планшет, подрамник, қалам, этюдник, ўчирғич, холст, мастихин, политра, сангина, пастель, кўмирчўп, разбавитель, масло, лак, акварель, гуаш, линейка, картон, қофозлар, калька, миллиметровка, мальберт.

**КЕЛИШУВ ВАРАГИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий

рассомлик ва дизайн институти

Ректор

Н.Сайфуллаев

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



**КЕЛИШИЛДИ:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хууридаги Олий таълим мини  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илфор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М. Эсонов

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.ў.



Ф.Абиджанова

2021 йил “ ”  
M.U.ArTS OF UZBEKISTAN

П.П.Бенков номидаги  
Республика ихтисослаштирилган  
рассомлик мактаби

Директор  У.Хакимов

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.ў.



Республика ихтисослашган дизайн  
мактаби

Директори  М.Салахиддинов

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.ў.

